
Ўзбекистон туманилик Зиёдахон Исоқова ярим финалда!

Токио-2020 паралимпиада ўйинларида иштирок этаётган тумандошимиз Зиёдахон Исоқова бугун куннинг биринчи ярмида баҳсларга киришди.

Пара таэквондо бўйича аёллар ўртасида -49 кг вазн тоифасида ҳамюртимиз Зиёдахон чорак финалда моғулистонлик Энхтуя Хурелбаатарга қарши даянга чиқди.

Мурасасиз кечган баҳс 13:11 ҳисобида тумандошимиз фойдасига ҳал бўлди. Энди Зиёдахон Исоқова ярим финалда курашни давом эттиради.

Ярим финал баҳслари бугун, Тошкент вақти билан соат 13:00 да бошланади.

Биз навбатдаги баҳсларда ҳам Зиёдахонга улкан омадлар тилаб, уни қўллаб-қувватлаб турамиз!

2021-09-02 11:40:41